www.ishonch.uz | ishonch1991@yandex.uz | https://www.facebook.com/ishonch.gazetasi | https://t.me/ishonchgz

Yurt taraqqiyoti yo‘lida birlashaylik!

Ishonch

2023-yil
24-yanvar
seshanba
№ 11 (4763)

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

КУН нафаси

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 23 январь куни пахта етиштиришни қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

ТУРКМАНИСТОН ЎЗБЕКИСТОНГА ГАЗ ЭКСПОРТИНИ ТИКЛАДИ

21 январдан бошлаб Туркманистон Ўзбекистонга кунига 4,8 млн. куб метр газ етказиб беришни тиклаган. Бугунги кунда бу кўрсаткични 12,6 млн. куб метрга етказди.

Аста-секин етказиб беришнинг кунлик ҳажми 16 млн. куб метргача ошади – кескин совуқ тушишидан олдин шунча газ етказиб берилган.

Эслатиб ўтамиз, Туркманистон совуқ туфайли юзага келган техник сабабларга кўра 12 январдан бошлаб Ўзбекистонга газ етказиб беришни тўхтатган эди.

АВИАПАРКНИ ЯНГИЛАШ МАҚСАДИДА

Uzbekistan Airways авиакомпанияси Airbus авиасозлик компанияси билан A320neo оиласига мансуб 12 та самолёт харид қилиш бўйича шартнома имзолади, деб хабар бермоқда «Дунё». Самолётларнинг саккизтаси A320neo ва тўрттаси A321neo русумларига тегишли. Харид қилинадиган ҳаво кемалари Airbus Airspace салонига эга бўлиб, у йўловчиларга ҳаво транспорти бозорида юқори даражадаги қулайликни тақдим этади. Uzbekistan Airways авиакомпанияси янги ҳаво кемаларидан йўналишлар тармоғини янада кенгайтириш учун фойдаланишни режалаштирмоқда.

АСКУЭ ҚАЙТА ИШГА ТУШИРИЛАДИ

27 январдан электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими – АСКУЭ қайта ишга туширилади. «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ матбуот хизмати хабар беришича, қарздорлиги мавжуд истеъмолчилар автоматик тарзда тармоқдан узилади.

Эслатиб ўтамиз, республика бўйлаб кузатилган аномал совуқ об-ҳаво сабаб электр энергияси ва газ бўйича қарздорлик учун узилишлар тўхтатилган эди.

«ЎЗБЕКИСТОН ЮРАГИДАГИ БУТУНЖАҲОН МЕРОСИ»

Индонезиянинг машҳур «Televisi Republik Indonesia» телеканали Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган лавҳаларни суратга олган эди. Шу кунларда айни каналда мамлакатимиз зиёрат туризмини тарғиб этувчи туркум кўрсатувлар намойиш этилмоқда.

«Stay at Home» рукнида эфирга узатилаётган «Journey – Warisan Dunia di Jantung Uzbekistan» (Саёҳат – Ўзбекистон юрагидаги бутунжаҳон мероси) дастури мухлисларини юртимиз тарихий ва меъморий обидалари билан таништиради.

Эъзоз

ҚАҲРАМОНЛАР ОРАМИЗДА, ЁНИМИЗДА

касаба уюшмалари бир гуруҳ фидойи инсонларга эҳтиром кўрсатди

Бу ҳақдаги лавҳаларни youtube орқали кўриш мумкин.

2

«Ishonch» саволи



«АНОМАЛ ЧАНГ» САБАБЛАРИ НИМАДА?

ЎТГАН 2022 ЙИЛДА ТОШКЕНТ ШАҲРИ БИР НЕЧА МАРТА ҲАВОСИ ИФЛОСЛАНГАН ШАҲАРЛАР РЎЙХАТИДА БИРИНЧИ ЎРИННИ ҚАЙД ЭТДИ

Не ажабки, кеча, 2023 йилнинг 23 январь санасида пойтахтимиз яна ушбу «рутба»да – ҳавонинг ифлосланиши бўйича яна юқори ўринга кўтарилди.

Ўз-ўзидан савол туғилади: қиш мавсуми бўлса, боз устига, аномал совуқнинг забти ҳамон кетмаган бўлса, ёғингарчилик меъёрида – ҳали ёққан қор эримаган бўлса, бу ҳолатнинг сабаблари нимада?

Агар бу масала иқлим ўзгариши, четдан келаётган ҳаво оқими сабабли бўлса, нега бу ҳақда аҳолига тушунтириш берилмаяпти?

Иссиқ вақтларда-ку тушунамиз, ёмғирли, қорли шароитда ҳам бундай натижа кўрсатилиши масъулларни безовта қилиши керак эмасми?

Ҳавонинг ифлосланиши аҳолининг ўзига боғлиқ вазиятлар, мисол учун, автомашиналар сони ортиши, табиий ресурслардан нотўғри фойдаланиш ҳисобига бўлса, нега бу борада тарғибот-тушунтириш ишлари амалга оширилмаяпти?

Хўш, бу саволлар мутасаддилардан кимнидир қизиқтиряптими? Агар шундай бўлса, бунинг сабабларини одамларга аниқ тушунтириб бериш керакдир?

Ҳар не бўлганда ҳам мазкур ҳолатларнинг олдини олиш чораларини кўриш учун ҳам бунинг аниқ сабабларини билиш керак-ку!

Пойтахт ҳавосининг «аномал ифлосланиши» сабаблари нимада? Мутасаддилар бу ҳақда батафсил маълумот беришлари зарур.

Гулюз ФАХРИДДИНОВА

Азиз газетхонлар! Сизга «Ishonch» газетаси ўз вақтида етиб боряптими? Бу борада муаммолар бўлса, телеграмдаги «Муштарий минбари» каналига – t.me/ishonchmurojaat манзили орқали мурожаат қилинг. Сизнинг ишончингиз – биз учун муҳим!

Андижон вилояти

Саёҳат

Юрган дарё дейдилар

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Андижон вилояти кенгаши томонидан «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» шиори остида бир гуруҳ ёшлар, ишчи-ходимлар ва меҳнаткашлар оила аъзоларининг Тошкент шаҳрига саёҳати уюштирилди.

50 нафар ишчи-ходимдан иборат саёҳатчилар пойтахтимизда барпо этилган «Tashkent city» мажмуи, Ислом Каримов музейи, «Ғалаба боғи», «Янги Ўзбекистон боғи» ҳамда «Зангиота» зиёратгоҳи, Ислом цивилизацияси маркази, Ҳазрати Имом мажмуаларида бўлдилар.

– Саёҳатда мазмунли ҳордиқ чиқардим ва маънавий-маърифий юксалганимни ҳис қилдим, – дейди Андижон шаҳар 13-умумтаълим мактаби лаборанти Ҳилолахон Абдухалилова. – Ўзгаришларни кўриб, гапнинг очиғи қалбимда ажиб бир ҳис-туйғу жўш урди. Шундай гўзал ва бетакрор она Ватаним – Ўзбекистонда яшаётганимдан фахрландим. Бу каби саёҳатлар биз, ёшларни Ватанга садоқат, меҳр ва муҳаббатли бўлишимиз, тинч ва осойишта юртимизни асраб-авайлашимиз, тинчлик қадрига етишимизга ундаши шубҳасиздир.

Корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ёшлар, ишчи-ходимлар ва уларнинг оила аъзолари саёҳатдан маънавий озуқа олиб, ватанпарварлик руҳи ва янги таассуротлар билан қайтдилар.

Ҳамидулло МАТИСАЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Андижон вилояти кенгаши Ташкилий ишлар бўлими мудири

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИНГ...





Навоий вилояти | Тадбир

Бугуннинг талаби

меҳнат муносабатларини тўғри шакллантиришдир

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмасининг Навоий вилоятидаги вакиллари иштирокида семинар ўтказилди.

Республика кенгашининг Навоий вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Баҳодир Аслонов тадбирни очиш жараёнида мамлакат қишлоқ хўжалигини бир йўла ислоҳ қилиш, тизимда давлат бошқарувини янада шаффофлаштириш, меҳнат муносабатларини тўғри шакллантириш, меҳнатга ҳақ тўлашни бугунги кунга мувофиқлаштириш масалаларига батафсил тўхталди.

Касаба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгаши раиси Назира Тоғаева айни паллада мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган муҳим янгиликлар, ишчи-ходимлар ҳамда хотин-қизлар манфаатларини мустаҳкам ҳимоя қилиш, турмушимизга жорий қилинаётган ислоҳотларнинг юксак самараларига оид ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Олимжон Бобомуродов муайян корхона ва ташкилотлардаги иш ҳақидан қарздорлик ҳолатлари ва янги жамоа шартномаларининг афзалликлари ҳақидаги маърузасида баъзи бир иш берувчиларнинг амалдаги меҳнат қонунчилигига тўлиқ амал қилмаётганлигига эътиборни қаратди.

Меҳнат ҳуқуқ инспектори Алишер Раҳматов, меҳнат муносабатлари бўйича вилоят кенгашининг етакчи мутахассиси Ҳамза Эшонқуловнинг янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси тўғрисидаги, иш жойларида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигига риоя қилмасликнинг салбий оқибатлари ҳақида билдирган фикрлари ва бу борада келтирган аниқ мисоллари кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

Тадбир сўнггида барча қатнашчилар қишлоқ хўжалиги соҳасида касаба уюшмаларининг алоҳида ўрни борлигини якдил таъкидлаш баробарида бундан буён ҳам меҳнат интизомини бўшаштирмаслик, жамоа шартномаларини доимий жамоатчилик назоратида ушлашга келишиб олдилар.

Нормурод МУСОМОВ
«ISHONCH»

ҚАҲРАМОНЛАР ОРАМИЗДА, ЁНИМИЗДА

касаба уюшмалари бир гуруҳ фидойи инсонларга эҳтиром кўрсатди

Орамизда қаҳрамонлар кўп. Улар оддий инсонлар, оддий касб эгалари бўлиши мумкин. Айниқса, ўтган ҳафта юртимизда кузатилган совуқ об-ҳаво туфайли юзага келган носозликларни бартараф этишда куну тун ишлаган ободонлаштириш, коммунал соҳа ишчи-ходимлари ҳақиқий қаҳрамонларга айланишди. Кўплаб электр, сув қувурлари созловчилари ҳатто уйларига бормасдан вазифаларини адо этишди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ана шу заҳматкаш фидойиларнинг юксак хизматларини тақдирлаш, рағбатлантириш ва уларга миннатдорлик билдириш мақсадида 50 нафар ишчи-ходим учун сиҳатгоҳларга бепул йўлланмалар ажратди.

Уларни ўз эгаларига топшириш мақсадида Федерация вакиллари билан бир неча манзилларда бўлдик.

30 йилдан бери чилангар бўлиб ишлаётган Ғофуржон Бегалиевни жамоаси билан Олмазор туманидаги 219-мактаб қувурини созлаётган пайтда учратдик.

– Қаттиқ совуқ кунлари чақирувлар кўп бўлди, – дейди у. – Жамоамиз билан туну кун ишладик. Битта жойдаги авария ҳолатини тузатиш учун бир сутка давомида ишлаган пайтимиз бўлди. Бу ҳам бир синов. Мана кунлар ҳам илиб қолди. Биз доим эл хизматидамиз. Носозликларни бартараф этишда давом этяпмиз.

Шайхонтоҳур тумани ободонлаштириш бошқармаси ходимаси Шоира опа Иноятованинг олдига борганимизда у касбдошлари билан «Ғунча» мавзесидаги кўчаларнинг бирида тозалаш ишлари билан банд эди.

– Совуқ кунлари қийналмадингизми, – сўраймиз Шоира опадан.

– Йўқ, – табассум билан жавоб беради опа. – Яхши одамлар ҳам кўп атрофимизда. Улар бизларга ўша кунлари чой, кофе, иссиқ таомлар улашишди. Кўчаларда ана шундай эътибор, меҳрдан исиниб ишладик. Кўпчилик раҳмат айтиб ўтарди. Шунда бизнинг совуқ қотганимиз, қўлларимиз музлагани, чарчаганимиз ҳам сезилгани йўқ. 3 нафар фарзандим бор. Уларнинг барчаси уйли-жойли, ўзларидан тиниб-тинчиган. Менга энди ишламанг, ўзимиз қараймиз, деб айтишади. Аммо ишимни яхши кўраман. Пенсияга чиққан бўлсам-да, жамоамдан айрилгим келмайди. Ҳам савоб оламиз, ҳам раҳмат эшитамиз, кунимиз қандай ўтганини сезмаймиз.

Навбатдаги қаҳрамонимиз Татьяна Мельник Учтепа тумани «Veolia energy Tashkent» иссиқлик қуввати корхонасида ишлайди. Шу кунларда бироз бетоб экан. У ишлайдиган ташкилотнинг абонентлар бўлими устаси Отабек Раҳимов ҳамроҳлигида уйига йўл олдик.

– Бўлимимизда иссиқликни назорат қилувчи ширкатлар билан ишловчи 8 нафар ходим фаолият юритади, – дейди Отабек Раҳимов. – Аномал совуқ кузатилган кунлари қувурлар музлаб қолмаслиги, сув айланиб туришини назорат қилиб турдик. Ўша кунлардаги синовли пайтлар кучларимизни бирлаштирди. Ҳеч ким ишни ташлаб кетмади. Айниқса, Татьяна опанинг жонкуярлиги таҳсинга лойиқ. Биз улар билан фахрланамиз.

Хонадонидан чиқиб келган қаҳрамонимизга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг совғасини тақдим этар эканмиз, 30 йиллик иш фаолияти давомида биринчи марта сиҳатгоҳга боришини яшириб ўтирмади:

– Жуда хурсанд бўлдим. Бу бизнинг арзимас меҳнатимиз эвазига берилган катта эътибор деб биламан.

...Ўша кунлари тўлиб-тошган сув қувури ичига тушиб носозликни бартараф этаётган ёш йигитнинг видеоси ижтимоий тармоқларда кенг тарқалди. Бу йигит 2 йилдан буён Юнусобод тумани сув тармоқлари бўлими авария тиклаш хизматида чилангар бўлиб ишловчи 23 ёшли Зиёдулла Зокиров эди.

> ***...Ўша кунлари тўлиб-тошган сув қувури ичига тушиб носозликни бартараф этаётган ёш йигитнинг видеоси ижтимоий тармоқларда кенг тарқалди. Бу йигит 2 йилдан буён Юнусобод тумани сув тармоқлари бўлими авария тиклаш хизматида чилангар бўлиб ишловчи 23 ёшли Зиёдулла Зокиров эди.***

– Ўша объектдаги созлаш жараёнлари 4 соат давом этди, – деди у суҳбат чоғида. – Совқотиш, қийинчиликлар асло сезилгани йўқ. Жамоамиз билан алмашиб ишладик. Совуқ кунлари туманнинг 18-19 мавзеларида бу каби катта аварияларнинг кўп бўлди. Ҳаммасига шай турдик. Ахир бизни умид билан чақиришади-да.

– Уйга борганингизда оилангиз сизни қандай кутиб олди? Қаҳрамонлигингиз тарқалган лавҳани, албатта, улар ҳам кўрган бўлсалар керак?

– Ҳа, онам видеони кўрган эканлар. Кечки пайт кўзида ёш билан кутиб олди. Менга жони ачиди, ишга бормай қўяқол болам, ҳам дедилар. Лекин майли савобли иш, эл хизматидасан, деб эртасига дуо билан яна ишга кузатдилар. Бу йўлланмани онажонимга бераман. Чунки уларнинг дуолари билан яхши ишлаб юрибман.

Гап орасида сиҳатгоҳга берилган йўлланмага фақат ўзи бора олишини эшитган Зиёдулла масъуллардан уни онасининг номига расмийлаштириб беришларини илтимос қилди.

Албатта 50 та йўлланма кўп эмас. Чунки синовли кунларда фидойилар, қаҳрамонлар, жон қойитган жонкуярларнинг саноғи бўлмади. Бу уларнинг бебаҳо хизматлари учун берилган рағбат ва миннатдорлик. Қаҳрамонларни тақдирлаш давом этмоқда. Энг муҳими, улар ҳамиша эл, хусусан, касаба уюшмаларининг ардоғида.

Гулрухбегим ОДАШБОЕВА
«ISHONCH»

Қандай ечим тутган маъқул?

САВОЛ: *Қурилиш ташкилотлари ёки дейлик хизмат кўрсатувчи ташкилотлар зарурат бўлганда бригадаларни расман бирор асос бўлмаса-да ёллаш амалиёти мавжуд. Бу ҳолатда улар бригадалар (жисмоний шахс) билан маълум ҳажмдаги ишни бажариш бўйича шартнома тузишади. Бригадирлар ўз ўрнида оғзаки келишувлар асосида ўзлари таниган одамларни ишбай ишга ёллаб охирида нақд пулда иш ҳақи беришади. Аммо бундай келишув Меҳнат кодексида кўзда тутилмаган. Шу ҳолатда ташкилотлар жисмоний шахслар билан ишбай шартнома тузганда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги масалаларида харажатлари (айтилганидек, бояги бригадалар бир ёки икки ойда айтилган ишни бажариб чиқиб кетишлари мумкин, уларга кийим-кечак, махсус ҳимоя воситалари, қулай меҳнат шароити) кўпроқ бўлиб қоляпти. Бизда ташкилотлар қандай йўл тутишади?*

Менга кўринаётган ечим бу барча меҳнат иштирокчилари билан қурувчи ташкилот ўртасида ишбай ва муддатли меҳнат шартномаси тузиш. Сиз нима ечим таклиф қиласиз ва бошқалар буни қандай ечишяпти?

Муҳаммад ЭРКАБОЕВ
Пахтакор тумани

ЖАВОБ: Жисмоний шахслар (бригадалар) билан иш берувчи (қурилиш ташкилотлари, хизмат кўрсатиш ва ҳоказо) ташкилот ёки корхоналар ўртасида оғзаки тарздаги келишув асосида меҳнат муносабатларига киришиш амалдаги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида кўзда тутилмаган.

Ушбу кодекс талабларига мувофиқ жисмоний шахслар иш берувчи ташкилот (корхона) билан ёзма равишда тузилган меҳнат шартномаси ва ишга қабул қилиш тўғрисида чиқарилган буйруқ асосидагина ишга қабул қилинишлари мумкин.

Меҳнат шартномаси муайян муддатга ёки муддатсиз, шунингдек меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай ёки вақтбай шаклари кўзда тутилган ҳолда тузилиши мумкин.

Бундан ташқари, жисмоний шахслар иш берувчи (ташкилот, корхоналар) томонидан фуқаролик-ҳуқуқий тартибда, яъни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида (364-366, 631-702, 703-708 моддалари) кўзда тутилган ҳақ эвазига хизматлар кўрсатиш ҳақида тузилган шартномалар асосида ҳам муайян меҳнатга жалб қилинишлари мумкин.

Бундай шартномаларга мувофиқ жисмоний шахс ўзаро келишув асосида муайян ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) мажбуриятини, иш берувчи (буюртмачи) эса бу ишлар (кўрсатилган хизматлар) эвазига шартномада кўзда тутилган ҳақни тўлаб беради.

Баён этилганлардан кўринадики, **иш берувчи билан жисмоний шахс ўртасидаги меҳнат муносабатлари фақат амалдаги меҳнат ёки фуқаролик қонунчилигига мувофиқ тарзда ёзма равишда тузилган шартномалар** асосидагина тартибга солинади.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Самарқанд вилояти | Фаолият

Кўзланган мақсадга эришилмоқдами?

Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмасининг Самарқанд (Жиззах, Навоий) вилояти кенгаши тузилганига роппа-роса икки йил тўлди. Фаолиятининг илк кунларида 11 та бошланғич ташкилот ва 2531 нафар аъзони бирлаштирган тузилмага осон бўлмаган.

– Ўтган бир йил мобайнида соҳадаги 8 та корхонада бошланғич касаба уюшма ташкилоти тузилишига эришилди, – дейди тармоқ касаба уюшмалари кенгаши раиси Олимхон Мирзаев. – Натижада, минг нафардан зиёд ишчи-хизматчининг меҳнат шароити яхшиланиб, ижтимоий кафолати таъминлаб берилди. Самарқанд автомобиль заводи, «МАН» заводи, «ЎзАвтоТрайлер», «Эл Холдинг» каби корхоналарда ходимларга яратилган меҳнат шароитларида туб ўзгаришлар ясалди. Касаба уюшмалари ташаббуси билан ишчиларга бепул тушлик ва махсус кийимлар бериб келинмоқда. Барча корхоналарда маънавият хоналари, дам олиш ва спорт билан шуғулланиш имконияти яратилган.

– Касаба уюшмалари тизимига бирлашишдан аввал тизимдаги корхоналарда ҳамкорлик бўлмаган, – дейди Самарқанд автомобиль заводи касаба уюшма ташкилоти раҳбари Шуҳрат Ҳамдамов. – Эндиликда қўшни вилоятдаги ҳамкасбларимиз билан тез-тез мулоқотлар ташкил этиляпти. Жумладан, соҳа ходимларининг уюшган ҳолдаги саёҳатлари нафақат мазмунли дам олиш, балки соҳадаги тажрибаларни ўртоқлашишга ҳам замин яратяпти. Бизнинг корхонада ташкил этилган спортнинг 7 тури бўйича мусобақаларда Самарқанд, Жиззах ва Навоий вилоятидаги тармоқ корхоналаридан 126 нафар ишчи-ходим қатнашди. Бундай учрашувлар тизимдаги корхоналар ходимлари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликка хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, Самарқандда тармоқ корхоналари ўртасида ўтказилган «UZ QUIZ SAMAVTO» интеллектуал ўйинлари, Жиззах шаҳридаги «Энергожи» БСО спорт майдонида ўтказилган III тармоқ спартакиадаси ҳам соҳа ходимларининг бирлашуви учун ўзига хос платформа бўлди.

Умуман олганда, тизимда меҳнат муносабатларидаги таранглик касаба уюшмалари ҳамкорлигида барҳам топяпти. Хусусан, ўтган йилда 20 га яқин муаммо ҳал этилгани фикримизнинг исботидир. Энг муҳими, ишлаб чиқариш билан боғлиқ кўнгилсиз ҳолатларнинг олди олинмоқда. Корхоналарда техника хавфсизлигига доир ўқувлар, ишчиларнинг касб малакасини ошириш бўйича тадбирларнинг мунтазамлиги таъминланмоқда.

Буларнинг барчасидан кўзланган мақсад – ишчи-ходимлар манфаатини таъминлашдан иборат.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»

> **Ҳикмат**
>
> ***Бугуннинг чорасини кўриб, эртага эҳтиёжи қолмаган киши ақллидир.***
>
> Абу Райҳон БЕРУНИЙ

Қашқадарё вилояти | Эътибор

Ишбилармон раисининг «сири»

Шаҳрисабз туманидаги «Хонтепа» МФЙ раиси Акбар Жўраев 2022 йил якунлари бўйича Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ўтказилган «Энг яхши маҳалла раиси» танловининг Қашқадарё вилояти босқичида 1-ўринга лойиқ кўрилди ва 30 миллион сўм пул мукофоти билан тақдирланди.

Хўш, унинг «сири» нимада?

Акбар Жўраев асосий эътиборни хонадонбай ишлашга қаратган. «Аёллар дафтари»га кирган хотин-қизлар муаммоларини бартараф этиш ҳамда ҳудуд аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш учун уйма-уй юради ва буни ёнидаги ҳамкасбларига ҳам сингдира олган.

Ўтган йили «Хонтепа»да «Аёллар дафтари»нинг учинчи босқичида 59 нафар хотин-қиз рўйхатга олинди ва уларнинг ҳар бирига ўз тоифаларига кўра чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Масалан, Гулчеҳра Эгамбердиеванинг турмуш ўртоғи вафот этган. Икки нафар фарзанди бор. Унга «Аёллар жамғармаси»дан бир миллион 200 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди, қизчаси мактабгача таълим ташкилотига тўловсиз қабул қилинди. Туман ҳокимлиги ҳам бу оилани қўллаб-қувватлаш учун 2 миллион сўм маблағ ажратди.

Сайёра Ҳожиева ишсиз. Соғлиғи ҳам яхши эмас. Шу боис тушкун кайфиятда юрарди. «Аёллар дафтари» шарофати билан касб-ҳунар мактабида ўқитилди ва унга «духовка» тақдим этилди. Бундан ташқари, Сайёранинг уйига замонавий эшик-ромлар ўрнатилди. Таъмирлаш ишлари айнан маҳалла раиси ҳомийлигида амалга оширилди.

> ***Ўтган йили «Хонтепа»да «Аёллар дафтари»нинг учинчи босқичида 59 нафар хотин-қиз рўйхатга олинди ва уларнинг ҳар бирига ўз тоифаларига кўра чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.***

Турмуш ўртоғи жазони ўташ муассасасида бўлган Маҳфуза Мусурмоновага эса ҳовлисидан экинларини суғориши, деҳқончилик қилиш учун артезиан қудуғи кавлаб берилди. Янги йил байрами арафасида озиқ-овқат маҳсулотлари тақдим этилди. Ишбилармон раиснинг саъй-ҳаракатлари билан бир неча хотин-қиз янгидан фаолият бошлаган «Shahrisabz Silk» корхонасига ишга кирди.

Айни пайтда «Хонтепа»да маҳалла раиси, котиби, хотин-қизлар фаоли, ҳоким ёрдамчиси ҳамда профилактика инспектори касаба уюшма фаоллари билан биргаликда «Аёллар дафтари»нинг тўртинчи босқичи учун хатлов жараёнларини олиб боришмоқда.

Раис қабулига келган ҳар бир фуқаронинг дардини, муаммосини тинглар экан, мурожаат мазмунини қоралама дафтарига қайд этиб боради. Муаммоси бўлган маҳалладошига амалий ёрдам билан жавоб қайтариш унга одатий бир ҳолга айланган. Демакки, ишбилармон раиснинг «сири» шунда, қаерда тартиб ва адолат бўлса, ўша жойда иш ўнгидан келаверади.

Акмал АБДИЕВ
«ISHONCH»

Нуқтаи назар

ҚОНУНДАГИ «ТУШУНАРСИЗ» МОДДА

У қандай мақсадда киритилган?

Ахборот тарқатиш, муаммони жамоатчилик эътиборига ҳавола этиш журналистнинг вазифаси. Ривожланган демократик давлатларда бирор мавзу кўтарилса, бу одатий ҳолат сифатида қабул қилинади. Агар журналистни мақтайдиган бўлсангиз, у (It is my job) деб ўз вазифасини бажарганини айтади. Ўзбек журналистларида ҳам «бу менинг вазифам» (масалан, «Rost24» сайти муҳаррири Анора Содиқованинг фикри), дея иш тутиш кузатилаётгани кишига умид бахш этади.

Ҳалим САИДОВ,
филология фанлари доктори

Аслида матбуот ахборот сотиш, реклама бериш эвазига кун кўриши керак. Ўзбекистон истиқлолга эришгач, тоталитар жамиятдан демократияга ўтиш даврида оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий чеклангани, журналистнинг манфаатдорлиги шундай вазиятни вужудга келтирдики, ижодкорлар камида икки тоифага бўлиниб қолди. Биринчиси, мавжуд иш ва қалам ҳақига қаноат қилади, иккинчиси эса танқидий чиқишлар ваҳимаси билан қўшимча «даромад» ундиради.

Биринчисига мисоллар кўп. Келинг, иккинчиси ҳақида қисқача тўхталамиз. Марказий нашрлардан бирининг муҳаррири ўз мухбири билан ҳамкорликда ёғ-мой комбинатидаги ҳолатни ўрганишади. Тўпланган ахборотлар натижасида танқидий мақола тайёрланади. Оқибат эса муҳаррирнинг пора олиши вақтида қўлига кишан солиш билан якунланади.

МУАММО НИМАДА?

«Журналист оладиган маоши ва қалам ҳақининг камлиги боис танқидий мақоласини пора эвазига чоп этмагандир», дейишингиз мумкин. Бу фикрнинг ҳам яшашга ҳаққи бор. Бизнингча эса масаланинг асосий сабаби қонундаги камчиликдадир. Оммавий ахборот воситаларига доир қонун ва кодекслар кўплигидан муаммо йўқдек хулоса келиб чиқади.

АСЛИДА-ЧИ?

«Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг (https://lex.uz/docs/9540) «Журналист текшируви» деб аталган 9-моддасида журналистнинг текширув ўтказишга ва уни ОАВда эълон қилишга ҳаққи борлиги, «Журналист текшируви даврида у қўлга киритган материаллар ва ҳужжатлар олиб қўйилиши ёки кўздан кечирилиши мумкин эмас»лиги таъкидланади. Бу ҳуқуқни биз ҳам қўллаб-қувватлаймиз, албатта. Лекин қонуннинг худди шу жойида журналист ўз текширувларининг натижаларини «...давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахсларга ихтиёрий равишда тақдим этиши мумкин», деган банди ҳам бор.

Хўш, йўл қўйилган камчиликларни не азобда қийналиб топган журналистнинг текширув натижаларини ўша корхона масъулларига «ихтиёрий равишда тақдим этиши» қай тарзда амалга ошади?

Фараз қиламиз, журналист раҳбар қабулига кириб: «Жаноб бошлиқ, корхонангизда муаммо ва камчиликлар бор экан, мана қўлга киритган исбот – ҳужжатларимиз, уларни тузатиб қўйинг», деди ҳам дейлик. Текширув натижалари корхонада қандай тартибда кўриб чиқилади? Ким чора кўради? Чора кўриладими?..

Ҳолбуки, ҳаётда корхона раҳбарига эмас, аксинча журналистга кўрилган чораларга гувоҳ бўлдик (масалан, Муҳаммаджон Обидов. «Журналист суриштируви: тажриба ва таҳлил» («Фарғона» нашриёти, 2018., 96 бет).

Одатда бошқа «беозор» йўли кўп қўлланилади. Танқидий материал ҳақида ҳамма унутади. Корхона ва таҳририят ўртасида ўзаро ҳамкорлик шартномаси тузилиб, унга кўра корхонада амалга оширилаётган янгилик ва ибратли ишларни тарғиб этишни таҳририят зиммасига олади (бундан бир неча ой аввал ижтимоий тармоқда «тренд» бўлган бир ҳокимлик ва сайт ўртасида тузилган 90 миллионлик шартномани эсланг). Олам гулистон!..

Ёғ-мой комбинати билан боғлиқ мисолимизда, тахминимизча, «нақд», яъни пора сўралган. Корхона раҳбари айбини ёпиш учун тўғри йўл тутган: таъмагир муҳаррирни ҳуқуқ-тартибот ходимларига топширган. Аммо, лекин, бироқ – журналист топган муаммо ва камчиликлар бартараф этилдими?..

Демократик давлатда журналист муаммони кўргач, уни бурчи ва вазифасидан келиб чиқиб, жамоатчилик эътиборига ҳавола қилиши керак. Шу боис қонундаги юқорида таъкидлаган жумлалардан воз кечиш вақти келди. Текшириш ўтказган журналист учун ҳам, текширилувчи ташкилот раҳбари учун ҳам муаммо «ўзаро келишув» асосида «бартараф этилиши» эҳтимоли йўқотилиши зарур.

Агар мазкур бандлардан бошқа эзгу муддао кўзланган бўлса, уни қонунга киритган собиқ депутатлар изоҳ беришар, мутахассислар шарҳлашар балки...

Нима бўлганда ҳам, қонундаги бу тушунарсиз бандга бериладиган шарҳлар, тузатишлар Халқаро журналистлар федерациясининг «Журналистларнинг фаолият тамойиллари Декларацияси»да қабул қилинган журналистларнинг ахборот олиш, узатиш, тарқатиш, шарҳлаш ва воқеаларни баён этиш бўйича йўлланмасидаги «Ҳақиқатни ҳурмат қилиш ва жамиятнинг ҳақиқатни билиш ҳуқуқи – журналистларнинг биринчи навбатдаги бурчидир», деган талабига мос бўлиши даркор.

Демак, қонунлар такомиллаштирилмоғи, журналистлар билан бир қаторда раҳбарларнинг дунёқараши, амаллари қонунга мувофиқ бўлиши давр талабидир.

ТАНҚИДДАН ҚЎРҚУВНИНГ ТАРИХИ

Бунинг учун раҳбарлар онгидаги эски қарашларни ҳам ўзгартириш керак. Совет даврида Ленин, кейинчалик Сталин матбуотни, унинг назорати (цензура)ни коммунистик партия «қўли»га тутқазган. Партиянинг қатағон машинаси – НКВД ўзгача фикрлайдиган кишиларни қамоққа олиб, жисман йўқ қилган, одамлар ўртасидаги миш-мишни тўхтатиш учун матбуот орқали «халқ душманлари»га лаънат ёғдирган. Сталин ўлимидан кейин эса коммунистик партия раҳбарлари тегишли орган лар топшириғи билан бирор раҳбарни аввал матбуотда танқид қилдирар, ундан кейин иш қўзғаб, қамоқхоналарда чиритарди (масалан, «Пахта иши»). Иккисининг ҳам мақсади муштарак эди. Мана шу тарихий ҳодиса жаҳон матбуоти илмида «тоталитар назария» номи билан ўрин олган. Бугунги раҳбарнинг танқиддан қўрқиши, танқидни қабул қила олмаслиги замирида онг остига сингиб кетган юқоридаги тушунча яширинган: мақола уни «йўқ қилиш мақсадида уюштирилган», вассалом.

Бу қўрқув миллат онгига йиллар давомида сингдирилди, ундан халос бўлиш, ҳатто истиқлолга эришиб, демократик йўлни танлаганимизга 31 йил бўлган эса-да, ҳамон қийин кечмоқда.

ПРЕЗИДЕНТ ТАЪКИДИ

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг айтган фикрлари билан кифояланишни маъқул кўрдик:

«Бугун барча бўғиндаги раҳбарларнинг жамоатчилик билан, айниқса, оммавий ахборот воситалари билан муомала маданияти ҳар қачонгидан ҳам муҳим масалага айланди.

Айрим ҳолларда раҳбарлар томонидан танқидни қабул қила билмаслик, нима қилиб бўлса-да, уни тан олмасликка бўлаётган уринишларда ҳам кўзга ташланмоқда.

Афсуски, баъзи раҳбарлар халқ билан, матбуотчилар билан мулоқотда оддий муомала маданиятини, маънавиятни унутиб қўйишмоқда. Улар томонидан қилинган мурожаатларга ўз вақтида, холис жавоб берилмаслиги ҳам ҳақли эътирозларга сабаб бўляпти.

Ўзингиз гувоҳ бўлиб турибсиз, деярли ҳар куни ижтимоий тармоқларда қайсидир раҳбарнинг фаолияти билан боғлиқ шов-шувли хабар тарқаляпти. Уларда берилаётган танқидий материалларга ўз вақтида холис, асосли муносабат билдирилмаётгани оқибатида одамлар орасида ҳар хил фикрлар, баҳс-мунозаралар юзага келмоқда.

Энг ачинарлиси, баъзи раҳбарлар жамоатчилик ўртасида турли зиддиятларга сабаб бўлиши мумкин бўлган бундай ҳолатларнинг олдини олиш ўрнига, кибру ҳавога берилиш, ўзига бино қўйиш билан масалани янада чигаллаштирмоқда.

Тушунаман, ҳар кимнинг ўзига яраша ғурури, иззат-нафси бор. Лекин раҳбар шуниси билан раҳбарки, у нафақат ўзининг шаънини, балки давлат идорасининг обрўсини ҳам сақлашга масъул эканини унутмаслиги керак.

У ҳар қандай тўсиқ ва қийинчиликларга, кескин ва долзарб муаммоларга дуч келмасин, вазиятдан оғир-босиқлик ва вазминлик билан чиқиб, фақат қонунга асосланган тўғри қарор қабул қилиши шарт» (https://www.gazeta.uz/uz/2019/11/23/speech/).

МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИ – ЮРТ ШАЪНИ

Тўғриси, Президент томонидан шу гаплар айтилгунича кўпчилик зиёлилар «халқ дардини матбуот орқали раҳбаримизга етказишга яна қийналар эканмизда» сингари ўй-хаёллар гирдобида қолганди. Ижро ҳокимияти муаммони бартараф этиш ўрнига жамият дардини кўтариб чиқаётган журналистлар билан курашмаслиги керак. Бундай раҳбарлар ўз ҳаракатлари билан халқаро ҳамжамиятда юртнинг обрўсини туширади.

АҚШ Давлат департаменти раҳбарларидан бири Элис Уэллс ўзининг Твиттердаги саҳифасида: «Президент Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон ОАВга қарши таҳдидларни қоралаб, матбуот эркинлигининг собит тарафдори эканлигини билдирганидан хурсандман. Журналист ва блогерларнинг хавфсиз бўлиши ҳамда ўз вазифаларини эркин бажаришларига имкон берилиши демократия ва очиқликнинг янада ўсишига ёрдам беради», дея бежиз таъкидламади. Чунки улар икки юз йил олдин бу йўлни босиб, улкан тажриба тўплашган.

Ҳаёт давом этади. Мавжуд қонунларнинг саволли жойларини бартараф этиш ёки шарҳлашга зарурат бор.

Масалан, тиғиз ҳолатларда тезкор ахборот тарқатиш билан боғлиқ бўлган, шу билан бирга, «нима мумкину, нима мумкин эмас»лиги изоҳланган, изқуварлару судьялар қаторида журналистлару блогерлар бирдек тушунадиган ва амалиётда қўлланиладиган шарҳлар ёзилиши бугунги кунда долзарбдир.

Хулоса қилиб айтганда, журналистнинг ахборот олиш, таҳлил қилиш ва тарқатишдаги ҳуқуқий эркинлиги амалда таъминланмасдан туриб, матбуот эркинлигига эришиб бўлмайди. Қонунларда белгиланган журналист қўлга киритган ахборотларни тарқатишдаги зарурати, унинг мурожаатига бериладиган жавоб муддати қисқартирилмас экан, фаолият чекланади, жамият ахборотсизлик муҳитида қолади ва бу ҳолат демократик қадриятларни топтайди, коррупцияга йўл очиб беради. Журналистнинг фаолиятсизлиги эса жамият учун мисли кўрилмаган зарар келтиради.

Ажаб ҳангомалар

СОХТА МАЪЛУМОТЛАР

улар янги боғча очилишига тўғаноқ бўлмоқда

Ховослик тадбиркор Жавоҳир Наширов Президентимизнинг болалар боғчалари фаолиятини янада ривожлантиришга оид чорловларидан илҳомланиб, туманнинг «Гулбаҳор» маҳалласида оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти (МТТ) очмоқчи бўлди. Шу мақсадда 2021 йил сентябрида барча ҳужжатларни жамлаб, туман мактабгача таълим бўлимига топширди. Улар вилоят бошқармаси элагидан ўтгач, Мактабгача таълим вазирлигига юборилди (Эслатма: у пайтларда ҳали Мактабгача таълим ва Халқ таълими вазирликлари қўшилмаган эди).

Албатта, бу қувончли хабарни олдинроқ оилавий боғча очган фуқаролар ҳам эшитишди. Улар Жавоҳир Нашировга «Давлатимиз раҳбарининг мактабгача таълимга тааллуқли гап-сўзларини тез-тез радио-телевизордан кўриб-эшитиб, газеталардан ўқиб турибсиз. Демак, ҳадемай вазирликдан битим келади. Сиз ҳозирданоқ тайёргарлик кўраверинг, акс ҳолда, шошиб қоласиз», дея далда беришди.

Бу қўллаб-қувватловлардан руҳланган тадбиркор фурсатни қўлдан бой бергиси келмай, дарҳол ишга киришди. 30 миллион сўм эвазига энг зарур жиҳозларни – болалар каравотлари, мебеллар, гиламлар, ошхона анжомларини сотиб олиб, тахт қилиб қўйди. Шунингдек, боғча учун танланган бинога иссиқлик тизими ўрнатди. Сўнгра омадини синаб кўриш ниятида одамларни боғча очилганидан хабардор қилди. Қарабсизки, бир ҳафтада 25 нафар бола жамланди. У ўз ҳисобидан боғча фаолиятини бошлаб юборди. Бироқ вазирликдан сас-садо бўлавермагач, ноилож ликдан кичкинтойларга жавоб бериб юборди.

Орадан анча вақт ўтиб, жавоб хати келди. Унда «Гулбаҳор» МФЙдаги 349 нафар 3-7 ёшли боланинг 343 нафари, яъни 98,3 фоизи мактабгача таълимга қамраб олингани, шу сабабли бу ҳудудда янги оилавий боғча очишга ҳожат йўқлиги маълум қилинганди.

Табиийки, вазирликнинг бу жавоби вилоят бошқармаси берган маълумотлар асосида ёзилган эди. Биз буни тан олган ҳолда, танганинг иккинчи томони ҳам борлигини унутмаслигимиз керак. Чунки туман мактабгача таълим бўлими раҳбари Садриддин Кушаков тақдим этган маълумотномада ҳудудда 1 та давлат ва 8 та нодавлат оилавий ММТ мавжудлиги, улар 290 ўринга мўлжаллангани, амалда 334 нафар бола тарбияланаётгани, қамров 95,7 фоизни ташкил этиши маълум қилинган.

Кўриб турибсизки, вилоят бошқармаси тақдим этган маълумотда қамров 98,3 фоиз, туман бўлиминикида 95,7 фоиз, тарбияланувчилар сони эса бирида 343, иккинчисида 334 нафар. Бу тафовутлар бизни ажаблантирди. Инчунин, туман мактабгача таълим бўлими мутахассиси Худойқул Исаев билан «Гулбаҳор» маҳалласи сари отландик.

– Оилавий боғчалар «Гулбаҳор» МФЙда анча ривожлангани учун бошқа маҳаллаларда яшовчилар ҳам фарзандларини уларга беришяпти, – деди ҳамроҳимиз йўл-йўлакай. – Натижада бу ҳудудда қамров сунъий равишда кўтарилиб кетган. Вазирликдагилар эса қоғоздаги маълумотларга ишониб, бошқа боғча очилишига рухсат беришмаган.

Дарҳақиқат, шундай бўлиб чиқди. Масалан, якка тартибдаги тадбиркор София Қурбоновага тегишли боғчада тарбияланаётган 25 нафар кичкинтойнинг 13 нафари қўшни «Обод турмуш», қолганлари «Мустақилликнинг 25 йиллиги» маҳалласидан келар экан. Музаффар Қўчқоров очган боғчанинг 25 нафар тарбияланувчисидан 10 нафари, Насиба Мамарасуловага қарашли боғчага қатнайдиган 50 нафар ўғил-қизнинг 17 нафари, Алишер Мамарасулов боғчасида тарбияланаётганларнинг 7 нафари ҳам бошқа маҳаллалар фарзандларидир.

Гапнинг индаллосини айтсак, «Гулбаҳор» МФЙда ҳали 74 нафар ўғил-қиз боғчага боришга навбат кутиб турибди. Буни қамров фоизига татбиқ этсак, вилоят мактабгача таълим бошқармаси ва туман бўлимининг маълумотлари сохта эканлиги фош бўлади. Аниқроғи, мактабгача таълим қамрови 98,3 ва 95,7 фоиздан 78,8 фоизга тушиб қолади. Туман мутасаддилари эса «Гулбаҳор» МФЙдаги оилавий боғчаларга бошқа маҳаллалардан келиб тарбияланаётган болалар ҳисобига бу кўрсаткичларни ошириб кўрсатишган.

Шу ўринда «Мустақилликнинг 25 йиллиги» ва «Обод турмуш» маҳаллалари болалари нега «Гулбаҳор»даги боғчаларга интилаётганига изоҳ бериб ўтиш жоиз. Биринчидан, бу ҳудудлар «Гулбаҳор» маҳалласига яқин, иккинчидан, ҳар қандай ота-она ҳам фарзанди яхши боғчада тарбияланишини истайди, учинчидан, ушбу ҳудудларда мактабгача таълим ташкилотлари тармоғи суст ривожланмоқда. Масалан, «Мустақилликнинг 25 йиллиги» маҳалласидаги 3-7 ёшли 273 нафар болакайнинг 125 нафари, «Обод турмуш» маҳалласидаги 219 нафар ўғил-қизнинг атиги 75 нафари боғчаларга жалб этилган. Агар иккала ҳудуддан «Гулбаҳор» МФЙдаги оилавий боғчаларга қатнаётган болаларни қўшсак, бу кўрсаткичлар янада ошиши аниқ. Бас, шундай экан, мазкур маҳаллаларда нодавлат оилавий боғчаларни кўпайтириш чоралари кўрилиши керак.

Яна бир гап. Биз ушбу муаммо ҳақида аввалроқ «Янги Сирдарё» газетасида танқидий мақола эълон қилиб, муносабат билдириш учун собиқ Мактабгача таълим вазирлигига юборган эдик. Аммо ҳеч қандай жавоб олмадик. Эҳтимол, бу сафар маҳаллий ҳокимлик ҳамда янгидан ташкил этилган Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг туман бўлими масъуллари ёш болалари бор ота-оналар дардига қулоқ солишар. Қолаверса, Жавоҳир Наширов очмоқчи бўлган боғча «Обод турмуш» маҳалласига девордармиён қўшни. Унга ёндош Эски Паши ва Янги Паши қишлоқлари ўртасида битта ариқ бор, холос. Оралиқ масофа 300-400 метр.

Яқинда эшитишимизча, «Гулбаҳор» МФЙ маъмурияти юқори ташкилотларга бу ерда янги оилавий боғчалар очишга зарурат борлиги ҳақида хат йўллашибди. Қани, яна бир оз кутайлик-чи, энди йўл қўйилган хато тузатилармикин ёки иш яна пайсалга солинармикин?..

Муҳаммадали АҲМАД,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси

Ҳикмат

Шубҳа ҳақиқатга олиб борувчи йўлдир. Ким шубҳаланмас экан, ҳеч нарсани кўра олмайди. Кўришдан маҳрум одам эса тушунолмайди. Тушунишдан маҳрум кимса мисоли сўқир каби йўлдан адашади.

Абу Ҳомид Муҳаммад ал-ҒАЗЗОЛИЙ

Яқин қўшни – Қирғизистонда хонандаларнинг фонограммада куйлаши тақиқланганини эшитиб, кўз олдимга ўзимиздаги ҳолат келди. Чунки бугун бизда қаёққа қараманг, концерт саройими, концерт залларими, телевидение, тўй-ҳашам ёки тадбирми – ҳаммасида фонограммадан фойдаланиш авжига чиққан.

Аслида қўшиқ юрак-юракдан айтилсагина бошқалар қалбига етиб боради. Яъни хонанда ўзи айтаётган қўшиқни бутун вужуди билан ҳис этиб, уни айни ҳолатда тингловчига етказса, улар ўртасида руҳий боғлиқлик юзага келади. Фонограммада куйлаётган хонанда эса кўпроқ мусиқадаги шовқинга, ритмга эътиборни жалб қилиб, тингловчини чалғитишга уринади. Оҳангга, аниқроғи, ритмга эргашган мухлисни қўшиқ мазмуни қизиқтирмаслиги табиий. Бу ўринда рақс биринчи ўринга чиқиб, у беихтиёр ўйинга тушиб кетаверади.

Тўғри, жонли ижро ҳам кишини рақсга чорлайди. Лекин айни ҳолатда мухлис мусиқа билан бирга матнни ва хонанда қалбини ҳис қилиб туради. Фонограмма қўшиқларни сақлаш учун – фонотека мақсадида керак.

Менимча, фақат бизнинг юртимизда урчиган «фонограмма» сўзидан ўринли фойдаланиш ва уни амалиётда тўғри қўллаш шартларини аниқ белгилаш вақти келди. Барча ижодкорлар чет элларда фонограмма қачон ва қандай ишлатилишини яхши билишади. Ундан қўшиқ мусиқасини ижро этиш қийин бўлган вазиятда камдан-кам, шунда ҳам оммани «Мусиқа фонограмма орқали ижро этилади», деб хабардор қилган ва чипта нархини арзонлаштирган ҳолда фойдаланилади.

Бизнинг айрим санъаткорларимиз ҳам, тўлиқ бўлмаса-да, ўз концерт дастурларида жонли қўшиқ айтишга ҳаракат қилишяпти. Лекин аксарияти фонограммада бемалол куйлаб ётибди. Улар «Ижро қандай бўлишидан қатъи назар, заллар доимо мухлислар билан тўла, улар қўшиқларимизни мазза қилиб тинглашяпти. Тўй-ҳашамларда ҳам ҳеч ким эътироз билдираётгани йўқ. Шундай экан, ваҳима қилишнинг нима кераги бор?» дейишлари тайин. Биз мана шунақа лоқайдлик туфайли хонандалар ўз устида ишламай қўйишгани, тингловчи ва томошабиннинг ҳуқуқини поймол қилишаётгани ҳақида нега ўйламаймиз?! Энг катта фожиа эса, куйлашни сал-пал ўрганиб, йўқ овозини замонавий асбоб-ускуналар орқали «кучайтириб», катта саҳналарни, тўйхоналар тўрини, кўп миллионли телеэкранларни эгаллаб олганлар, ҳақиқий санъатнинг қадрини туширяётганлар кўпайиб бораётганидир.

Дарвоқе, ортиқча жон куйдирмай, овозини ҳам, қўшиқ куйлаш услубини ҳам замонавий техника орқали эпақага келтириб, машҳур бўлиш ва пул топиш кимга ёқмайди, дейсиз?.. Лекин бу ҳолат мени, сизни – ҳаммамизни ташвишга солиши керак. Чунки биз дунёга машҳур ака-ука Сўпихоновлар, Юнус Ражабий, Комилжон Отаниёзов, Фаттоҳхон Мамадалиев, Таваккал Қодиров, Берта Давидова, Фароғат Раҳматова, Коммуна Исмоилова сингари бетакрор овозга эга кўплаб санъаткорларни кўрганмиз. Ва авлодларимиз ҳам ҳақиқий санъатдан, соф миллий ўзбек қўшиқларидан баҳраманд бўлиб улғайишларини истаймиз. Бунинг учун фонограммасиз эмин-эркин куйлай оладиганларга катта саҳналарни, телевидение экранларини, барча тадбирлар майдонини кенг очиб беришимиз шарт.

Хўш, ҳозир шундай қилишимизга нима халақит беряпти?

Ўйлайманки, бу саволга, аввало, «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси жавоб бериши керак. Шахсан ўзим 2001 йилдан буён шу ташкилотнинг Бадиий кенгаши аъзосиман. Юртимизнинг таниқли хонанда-созандалари, режиссёрлари ва тегишли ташкилотлар вакилларидан иборат ушбу кенгаш узоқ вақтдан буён, ёшидан қатъи назар, барча хонанда ва созандаларга лицензия бериб келмоқда. Дастлаб лицензия кенгашга ҳужжатларини тақдим этган ижодкорлар юборган видеокассеталардаги қўшиқлар ижросига қараб бериларди. Бунда хонанданинг ижро маданияти, қўшиқ матни, мусиқаси инобатга олинарди.

Сўнгги йилларда Бадиий кенгашда хонандаларнинг жонли ижросини тинглаб, лицензияга тавсия этиш тартиби жорий қилинди. Бу жараёнда ҳам уларнинг репертуарида мавжуд қўшиқларнинг барчасини тинглаб, улгуришнинг иложи йўқ. Гап яна концерт ташкилотлари ва телевидениега бориб тақалади. Хонандаларнинг бошқа қўшиқлари эфирга кетиши телевидение, радио, концерт заллари мутасаддилари ихтиёрида.

Лицензия кенгашида ҳар доим таниқли санъаткорлар, режиссёрлар, соҳанинг малакали мутахассислари фаолият кўрсатишган. Бу ўринда раҳматли устозлар Носир Отабоев, Бахрулла Лутфуллаев, Темур Убайдуллаев, таниқли санъаткорлар Тоир Қўзиев, Азим Муллахонов, Шуҳрат Дадажонов, Шуҳрат Зокиров, Аваз Маллабоев, айни кезларда кенгашга раҳбарлик қилаётган Аваз Мансуровнинг исм-шарифларини келтириш кифоя.

Энг муҳими, бугун иқтидорини намоён этмоқчи бўлган кишига кенг йўл очиб берилган ва лицензия бериш тартиби ҳеч кимнинг ҳуқуқини чеклаётгани йўқ. Фақат санъаткор ўзининг кимлигини, қайси юрт номидан саҳнага чиқаётганини билиши, оддий ахлоқ меъёрларига таяниб иш юритиши керак. Афсуски, эстрада йўналишида ижод қилаётган баъзи хонандалар ўзларига яратиб берилаётган шарт-шароитлар ва имкониятларни суиистеъмол қилишаётгани, айрим навқирон санъаткорлар талабчанликни йўқотиб, ҳотиржамлик ва ўзибўларчиликка берилаётгани, ёш қизиқчилар асосан концерт дастурларида бачкана қилиқлари ва гап-сўзлари билан миллий-маънавий қадриятларимизга, одоб-ахлоқ меъёрларига ва менталитетимизга зид иш тутишаётгани кузатилмоқда.

Президентимиз 2020 йил 24 августда имзолаган 6044-сонли фармоннинг 2-иловасида концерт-томоша тадбирига бир марталик рухсатнома, оммавий тадбирларга рухсатнома ҳамда халқаро ва умумдавлат тадбирларига рухсатнома келишиб бирлаштириш орқали бекор қилиниб, 2021 йил 1 январдан оммавий тадбирларга рухсатнома бериш тизими ташкил этилиши қайд этилган. «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонунга кўра, Махсус электрон тизим орқали айрим рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ягона низом билан оммавий тадбирларни ўтказиш учун рухсатнома паспорти асосида Ички ишлар вазирлиги ваколатли орган сифатида белгиланган. Бунга мазкур вазирликнинг ҳудудий бошқармалари ва маҳаллий ижроия ҳокимиятлари масъул ҳисобланади.

Лекин концерт дастурлари ва сценарийсини кўриб чиқишга, репертуарининг ғоявий-бадиий даражасини баҳолаш, ижрочиларнинг чиқишларидаги ножоиз хатти-ҳаракатларга чора кўришга етарли даражада эътибор қаратилмаяпти. Масалан, «Миллион» жамоасининг 2021 йил март ойидаги «Миллионавирус» номли концерт дастурида ҳар бир саҳна кўриниши фаҳш сўзлар ва ҳаракатлардан иборат бўлди. Таниқли актриса иштирокидаги бир кўринишда унинг орқа танасига урғу бериш, бачкана қилиқлар ва тутуриқсиз гаплар билан томошабинларни кулдиришга ҳаракат қилинди. Ушбу жамоа яқинда ўтказган концерт дастурида яна шунга ўхшаш ҳолатлар, сунъийлик ва фаҳш сўзлар такрорланди. «BRAVO» жамоасининг 2021 йилги концерти ҳақида ҳам шундай фикрлар билдириш мумкин. Филипп Киркоров эса 2022 йил 1 ноябрь куни «Халқлар дўстлиги» саройидаги концерти давомида саҳнада хонанда Наргиза Зокировани «тасқара» деб ҳақоратлади. Бу кўпчиликнинг ғашига тегди ва ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама қилинди.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: биз гапни фонограммани йўқотишдан бошлаб, нима учун лицензия бериш тартиби ва санъаткор одобига ўтиб кетдик. Чунки уларнинг бугун пойтахтимиздаги катта залларда, вилоятларда бўладиган якка концертларини ва турли концерт-шоуларни ташкил этиш учун лицензия беришга Ички ишлар вазирлиги ваколатли орган қилиб белгиланган. Юқорида бунинг оқибатида келиб чиқаётган нохушликларни мисоллар асосида исботлаб бердик. Агар бундан кейин ҳам аҳвол шундайлигича қолаверса, концертларнинг савияси ҳақида гапирмасак ҳам бўлади.

Мен тилга олинган муаммоларни бартараф этиш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим, деб ўйлайман. Биринчи навбатда, Ўзбекистон ҳудудида Концерт-томоша тадбири дастурини таҳлил қилиш, кўриб чиқиш, баҳолаш ва рухсатнома бериш тизимини «Ўзбекконцерт» давлат муассасасида қайтадан жорий этиш керак. Чунки у ўз номи билан концерт борасида ягона сиёсатни амалга оширади. Шунингдек, барча сарой раҳбарларига концерт дастури билан боғлиқ кўрсатмалар бериш ваколатига эга бўлиши зарур.

Бинобарин, санъаткорнинг саҳнадаги ҳаракатларини қонуний назорат қиладиган ва бунинг учун жавоб берадиган ваколатли органни белгилаш зарур. Ҳозир эса Маданият ва туризм вазирлиги, «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси ижрочиларга фақат тушунтириш ва тавсиялар бериш билангина кифояланмоқда.

Концерт-томоша тадбирига бир марталик рухсатнома беришнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, эксперт комиссияси аризаларни кўриб чиқишда ушбу тадбир дастури (сценарийси)нинг ғоявий-бадиий савиясига, тақдим этилган репертуарнинг миллий анъаналар ва умуминсоний қадриятларга мувофиқлигига, унда Ватанга садоқат ва муҳаббат ғоялари нечоғли акс этганига эътибор қаратади. Концертга тайёргарлик жараёнида санъаткорларга ижодий жиҳатдан кўмаклашади. Шунингдек, концертлар ва томоша тадбирлари давомида миллий-маънавий қадриятларимизга зид бўлган, ёшлар руҳиятига салбий таъсир кўрсатадиган, ахлоқсизлик, жоҳиллик, зўравонлик ва гиёҳвандликни, диний экстремистик ва «оммавий маданият» ғояларини тарғиб этишга қаратилган турли кўринишлар намойиш этилишининг олдини олади. Ижрочиларнинг саҳнадаги ножўя хатти-ҳаракатларига чек қўяди ва унга масъул этиб бириктирилади. Концерт дастурида «устоз – шогирд» анъаналари давом эттирилиб, ёш ижодкорлар иқтидорларини катта саҳнада намойиш этишлари учун шарт-шароит яратилади.

Албатта, мавжуд камчиликларни бартараф этиш борасида «Ўзбекконцерт» қўлидан келган ишларни бажаряпти. Юртимизда 2016 йилдан эътиборан эксперт комиссияси томонидан жонли ижродаги қўшиқ учун лицензия бериш амалиёти йўлга қўйилди. Қолаверса, катта залларда тўлиқ равишда жонли ижрода концерт ўтказилса, зал ижараси (40 миллион сўм)нинг 50 фоизини тўлаш юзасидан Маданият ва туризм вазирлигига чегирма бериш ҳуқуқи берилди.

Бугунги кунда жонли ижрога илк қадамлар қўйилган. Яъни, асосий давлат тадбирларидаги концерт дастурлари жонли ижрода ўтказилмоқда. Ўзига ва овозига ишонадиган айрим таниқли хонандалар, жумладан, Юлдуз Усмонова ва Маҳмуд Номозов 2022 йилги концертларини шу йўсинда бериб, бу ишга катта ҳисса қўшдилар.

Шундай экан, Маданият ва туризм вазирлиги муҳташам саройларда яккахон концерт берадиган санъаткорларнинг барчаси тўлиқ жонли ижрода куйлашлари кераклиги, бу борадаги барча муаммоларни техник масалаларигача ҳал этиши ҳақида давлатимиз раҳбарига ва ҳукуматга таклифлар киритиши жоиз. Қолаверса, жойлардаги давлат ва хайрия тадбирларида ҳам тўлиқ жонли ижрода концерт бериш, уларда қатнашган барча ижодкорларга ижарадан чегирма бериш амалиётини сарой раҳбарияти зиммасига юклаш ва зарур шарт-шароит қулайликлар яратиш керак. Шунингдек, концертлар, тўй ва бошқа тантаналар ҳам тўлиқ жонли ижрода бўлишини шарт қилиб қўйиш даркор.

Табиийки, жонли ижрога қайтиб санъатни сохта «хонанда»лардан ва бетайин ижролардан тозалаб, миллий санъатимиз янада ривожланишига хизмат қилади.

«МИЛЛИОН» ЖАМОАСИНИНГ 2021 ЙИЛ МАРТ ОЙИДАГИ «МИЛЛИОНАВИРУС» НОМЛИ КОНЦЕРТ ДАСТУРИДА ҲАР БИР САҲНА КЎРИНИШИ ФАҲШ СЎЗЛАР ВА ҲАРАКАТЛАРДАН ИБОРАТ БЎЛДИ. ТАНИҚЛИ АКТРИСА ИШТИРОКИДАГИ БИР КЎРИНИШДА УНИНГ ОРҚА ТАНАСИГА УРҒУ БЕРИШ, БАЧКАНА ҚИЛИҚЛАР ВА ТУТУРИҚСИЗ ГАПЛАР БИЛАН ТОМОШАБИНЛАРНИ КУЛДИРИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНДИ. УШБУ ЖАМОА ЯҚИНДА ЎТКАЗГАН КОНЦЕРТ ДАСТУРИДА ЯНА ШУНГА ЎХШАШ ҲОЛАТЛАР, СУНЪИЙЛИК ВА ФАҲШ СЎЗЛАР ТАКРОРЛАНДИ. «BRAVO» ЖАМОАСИНИНГ 2021 ЙИЛГИ КОНЦЕРТИ ҲАҚИДА ҲАМ ШУНДАЙ ФИКРЛАР БИЛДИРИШ МУМКИН. ФИЛИПП КИРКОРОВ ЭСА 2022 ЙИЛ 1 НОЯБРЬ КУНИ «ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ» САРОЙИДАГИ КОНЦЕРТИ ДАВОМИДА САҲНАДА ХОНАНДА НАРГИЗА ЗОКИРОВАНИ «ТАСҚАРА» ДЕБ ҲАҚОРАТЛАДИ. БУ КЎПЧИЛИКНИНГ ҒАШИГА ТЕГДИ ВА ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРДА КЕНГ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ.

Гулчеҳра УМАРОВА,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими

Ҳикмат

Ҳар не бўлсанг бўл –
ё аслинг каби кўрин,
ё кўринганинг каби бўл.

Жалолиддин РУМИЙ

Сўздан сўзнинг фарқи бор...

Нега шундай деймиз?

Ўзаро мулоқот чоғи «Гап кўп, умр оз» деган мақолни тез-тез ишлатамиз. Уни ҳар ким ҳар хил шарҳлайди. Келиб чиқишини баъзи кишилар узоқ ўтмишга боғлайди. «Ўша кезлар дўсту биродарлар узун қиш кечалари сандал атрофида ўтириб гурунглашганлар. Гоҳида суҳбат ҳаддан зиёд чўзилиб кетиб, танчадаги чўғ сўниб қолган. Шунда одамлар бир-бирларига бояги мазмунда гап отишиб, уй-уйларига тарқалишган», дейишади. Бошқалар «Бу нақл гапининг маъноси кам, сўзининг таъсири йўқ кишиларга нисбатан ишлатилган» деган фаразни олға суришади. «Маънолар махзани» китоби муаллифлари Шотурсун Шомақсудов ва Шуҳрат Шораҳмедов эса, у аслида «Гап кўп-ку, умр оз» шаклида бўлгани эҳтимолдан холи эмаслигини таъкидлашади. Нуктадон шоиримиз Эркин Воҳидов ҳам шунга ҳамоҳанг фикр билдиради. «Менимча, жумладаги **-ку** юкламаси **умр** сўзи билан қўшилиб **кўмир** шаклини олган. Оқибатда шундай чуқур маъноли мақол анча жўнлашиб қолган», дея афсусланади.

«Сўздан сўзнинг фарқи бор, ўттиз икки хил нархи бор» деганлари аслида шу бўлса, ажабмас.

А. ҲАЙДАРОВ тайёрлади.

МУАССИС:
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002
2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay’ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay’ati raisi),
Ulug’bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G‘OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV
(Bosh muharrirning birinchi o‘rinbosari),
Mehriddin SHUKUROV
(Mas‘ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK
(Mas‘ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo‘limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog‘iston Respublikasi – (+998-97) 506-86-98
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-91) 406-43-24
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02
Navoiy viloyati – (+998-99) 889-90-28
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-99) 889-90-32
Farg‘ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
S. Abdurahmonov

Musahhihlar:
D. Xudoyberganova, D.Ravshanova

Sahifalovchi:
H. Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti – 00:10
Topshirildi – 00:30

Bahosi kelishilgan narxda

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Tahririyat hisobraqami:
2021 0000 0004 3052 7001, ATIB «Ipoteka bank» Yashnobod filiali, bank kodi: 00959, STIR: 201133889, OKED: 58130

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma **G-113**
Nashr ko‘rsatkichi: **133**

1 2 3 4 5 6

Umumiy adadi 31352
14543 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.